

*ТДШУ стажёр-тадқиқотчиси
Ходжимуратова Дилиода*

ҚАДИМГИ ДАВР ЭРОНДА АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСЛАРИ

Эронда ёшлар шахсиятини шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия кўп мингйиллик тарихга эга. Болаларга таълим бериш ўтмишда турли хил шаклдаги ўқув муассасаларида амалга оширилган эди.

Кўп асрлар давомида Эрондаги таълим бир турлик ва давомий таълим-тарбиявий тизимга эга бўлмаган, бу тизим қадимги ва ўрта асрларда замон талабларига ва таълим олиш имкониятларига кўра турли шаклларда намоён бўлган. Бироқ, болалар ва ўсмирларнинг аксарияти оилаларда, оташпарастлик ибодатхоналари ва сарой мадрасаларида таълим-тарбия олган бўлиб, ўша даврда ҳам мактаб (мадрасалар) ва олий ўқув юртларнинг сони ортиб борган.

Қадимги ва ўрта асрдаги Эронда диний тарбия ва таълим-тарбия дастурлари асосан учта энг муҳим қисмларга бўлинган: ахлоқий ва жисмоний тарбия; ўқиш ва ёзишни ўргатиш ҳамда мулкдор сулолаларнинг болаларини ҳисобга ўргатиш.[1] Биринчи таълим муассаса (мактаб, мадраса)лари диний асосларга эга бўлганлиги боис, ушбу омилни инсон таълимининг биринчи асоси деб аташ мумкин. Мазкур таълим муассасаларида кундалик ҳаётдаги таълим вазифасини одамлар маданиятининг кучи бажариб келган. Шунинг учун ҳам Авестода боланинг тарбияси ҳамда муаллим (устоз)нинг маънавий тарбиясига махсус боб бағишланиши бежиз эмас. Бўзўргмеҳрнинг насиҳатларида ҳам диний таълимнинг аҳамияти ҳақида гап боради: ҳар бир киши ҳафтада уч марта диний тарбия олиши керак эди.

Ўсмирлар ва йигитларнинг таълим-тарбиясида энг муҳим қисмларидан бири ҳарбий тайёргарлик ҳисобланиб, давлат чегаларини ҳимоя қилиш, ҳарбий юришларда иштирок этиш, ҳарбий руҳда тарбиялаш, жамиятдаги тинчлик, тотувлик ва тартибни ҳимоя қилиш каби бир нечта мақсадларни ўз ичига олган эди. Болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиши учун жисмоний машғулотлар билан шуғулланишган, улов миниб юриш, отиш, овлаш ва сузишга, шунингдек, ўқишга, ёзишга ва ҳисоблашга ўргатилар эдилар.

Махсус мактабларда асосан зодагонлар, диний амалдорлар ва диний ибодатхоналар ходимларининг фарзандлари таҳсил олганлар; у ерда ҳарбий ва бошқарув кадрлар, қозилар, девонхона ва таълим муассасалари ходимлари, шунингдек, молия ва мулкчилик бўйича мутахассислар тайёрланар эди. Ушбу даврда таълим олиш фақат зодагон одамларга насиб қилган эди. Айтиб ўтиш

керакки, ўша вақтларданок бошқа тиллардан она тилига таржима қила оладиган таржимонларни тайёрлаш бошланган эди.

Қадимги Эронда ёш авлоднинг ривожланиши ва таълим олиши жараёнида ижобий томонлар мавжуд бўлганига қарамай, таълимни ташкил қилишда камчиликлар ва кўпгина чегараланишлар бўлган. Таълим ва тарбия олиш фақатгина мулкка эга амалдорлар, шаҳзодаларнинг монополиясига мумкин эди. Давлат ишлари ҳақидаги билимлар ва ҳақиқий маълумотлар оддий одамлардан яширилди; таҳсил олувчиларга таълим жараёнида уларга ёт бўлган, ҳукмдор одамларга мутлоқ бўйсуннишни, кўрларча итоат қилишни шакллантирувчи ғоялар сингдирилди[2].

Қадимги Эрон ҳудудидаги энг қадимги давлатлардан бўлмиш Мидиядаги таълим-тарбия тўғрисида тўхталадиган бўлсак, маълумки, Мидия давлатининг цивилизацияси ва маданияти ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар сони оздир. Шунинг учун улар Мидия сулоласи давридаги таълим ва тарбия ҳолати ҳақида тўлиқ ва ишончли тасаввур бермайди. Бироқ, Мидиядаги таълим ва ижтимоий тарбиянинг даражаси ҳақида Ахамонийлар давлатига қиёслаб аниқласа бўлади, чунки Мидия сулоласи ҳукмронлигининг бошида форслардаги цивилизация ва таълим даражаси Мидия давлатига қараганда анча пастроқ эди. Аммо, иккала сулола ҳам бир халқни намоён этиб, ягона тилга ва диний эътиқодга эга бўлган.

Ахамонийлар Мидия цивилизациясини ўзига бўйсундириб, ҳукмронлик қила бошлаганида, даставвал ўзларининг цивилизациясини шакллантириб, сўнг уни ривожлантириб борганлар. Шундай қилиб, улар ўзларининг ривожланиш даражаси бўйича Мидия цивилизациясидан ошиб кетганлар. Мидия Парфян подшоҳлиги давридаги қадимги эрон ёзуви, ҳозирда у паҳлавий деб номланмиш ёзув билан ўхшаш ўзининг миҳ (клинопись) ёзувига эга бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Албатта, форслар ёзувга эга бўлган вақтда, буюк Мидия давлати ўз ёзувига эга бўлмаган деб тасаввур қилиш жуда қийин[3]. Даниелнинг Мидия тарихи ҳақидаги китобида акс эттирилган тадқиқотларига кўра, мидияликлар ўзларининг ёзувига эга бўлганликларига ва ушбу тилда қадимги ёзув манбалар мавжуд эканлигига шубҳа йўқ.

Тарихчи И.М. Дьяконовнинг фикрига кўра, зардуштийлик таълимоти коҳинлари ва диний ходимларига тааллуқли бўлган мидиялик қабилаларнинг миссионерлари орқали тарқатилар эди. Зардуштийлар таълимоти Мидия подшоҳининг ҳимояси остида бўлиб, халққа маълум даражада куч ишлатиб сингдирилган эди[4]. Ушбу тарихчининг таъкидлашича, милoddан аввалги VIII-VII асрларда мидияликлар заминда диний-фалсафий атамашунослик шаклланган таълим муассасалари мавжуд бўлган.

Ахамонийлар давридаги таълим ва тарбия ёзма тарихий манбалар ва ҳужжатларнинг камлиги боис тадқиқотчилар томонидан мазкур сулола ҳукмронлиги давридаги таълим ва тарбия тизимига тўлиқ ва ҳаққоний таъриф бериш мушкулдир. Ушбу даврдаги муассаса ва идоралар рўйхатига назар ташласак, давлатнинг бошқарувига катта эътибор берилганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Ўша даврда болаларга таълим бериш учун махсус хоналар ажратилганлиги ҳам бунга қўшимча қилиб, айтиш мумкин. Ксенофонт ўзининг «Кир ҳақида»ги китобида мазкур масала юзасидан шундай ёзади: «Болалар тарбия олиш учун мактабга борар эдилар, ўқитувчилар эса куннинг кўп қисмида улар билан бирга бўлиб, уларга яхши муносабат ва адолатни ўрнатар эдилар»[5]. Ксенофонтнинг фикрига кўра, ўн олти ёки ўн етти ёшли болалар ушбу таълим юртлирида турли хил билимларни олганлар, шу жумладан, итоат, сўзсиз бажариш қоидаларига ва найза отиш кўникмаларига ўргатилганлар.

Мазкур масалага Геродот ҳам эътибор берган: у болаларнинг тарбияси 5 ёшдан 25 ёшгача амалга оширилади, деб таъкилдаган эди. Ксенофонт ишонч билан айтардики, ҳар бир форс оиласи ўз фарзандларини мактабга бериш имкониятига эга бўлганлар, аммо фақатгина ўзларини таъминлаш учун болаларининг меҳнатидан фойдаланишга муҳтож бўлмаган оилалар, яъни ўзига тўқ оилаларда бунинг иложиси бўлган. Айтиб ўтиш жоизки, Ахамонийлар ҳукмдорлиги даврида олий ўқув юртлир ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Ахамонийлар давлатининг вилоятларидан бири бўлмиш Мисрда, Буюк Доро ҳукмдорлиги даврида Саис шаҳрида Тиббиёт институтини қайта тиклаш ҳақида фармон эълон қилинган эди. Унга мувофиқ зодагон оилаларнинг фарзандлари тиббиёт фанларидан таҳсил олиш учун ушбу институтга киришлари мумкин эди[5].

Шунингдек, Ахамонийлар давридаги Эронда тиббиёт фанларини ўргатишга ихтисослашган энг нуфузли олий ўқув юртлир Бурсип, Милат, Андхуд, Рой ва Балх шаҳарларида жойлашган эди[6].

Бундан ташқари, Ахамонийлар даврида давлатнинг турли шаҳарлари ва минтақаларида йирик кутубхоналарнинг мавжудлиги Эронда таълим ва тарбиянинг алоҳида ўрин тутганидан далолат беради. Шундай кутубхоналар қаторига Истахр, Кухандеждаги ҳамда шоҳ Ардашер Бабақоннинг кутубхоналарини киритиш мумкин[7].

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Александр Македонский Доро III нинг устидан ғалаба қозониши натижасида Ахамонийлар давлати инқирозга учраб, парчаланиб кетиши ва кейинчалик Эронда юнонлар томонидан Салавкийлар давлати тузилиши сабабли Эроннинг маданий равнақи таназзулга юз тутди. Бошқача қилиб айтганда, ушбу даврда анъанавий таълим ва тарбия таназзулга

учради, чунки, етиб келган тарихий манбалар ва ҳужжатларга кўра, Салавкийлар кўплаб зардуштийлик ибодатхоналари ва ижтимоий таълим ва тарбия бериш жойларини вайрон қилдилар. Салавкийларнинг Эронда ҳукмронлик қилиши даврида илм-фан ва маданият кескин инқирозга учради. Ўқув юртлар ва уларни бошқариш деярли йўқ бўлган эди. Бироқ, парфян сулоласининг ҳокимиятга келиши ва Аршакидлар ҳукмдорлиги бошланиши билан Эрон маданияти иккинчи бор қайта тикланди ва бир оз вақтдан кейин ривожлана бошлади ва асл эрон маданияти сифатида шаклланди.

Ахамонийлар ва Аршакидлар сулоласи ҳукмдорлиги даврида таълим ва тарбия иккита муҳим хусусиятларга эга бўлганлигини кўрсатиб туради. Биринчиси – таълим ва тарбия жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ амалга оширилар эди. Иккинчиси – таълим ва тарбия амалий машғулотлар билан узвий боғлиқ бўлган. Шунинг учун, фикримизча, Эроннинг фан, тадқиқот ва технологиялар вазирлиги аждодларнинг ушбу тажрибасини ва таълим-тарбиянинг хусусиятларини кенг миқёсда қўллаб, таълимни амалий жиҳатдан ҳамда ҳозирги замон эрон жамиятининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириши лозим.

«Сосонийлар давридаги Эрон» китобининг муаллифи Кристинсеннинг фикрига кўра, Сосонийлар сулоласи ҳукмдорлиги, айниқса, Хусрав I Анушервон вақтида қадимги Эрон адабий ва фалсафий маданиятининг буюк даври бошланган эди. Мазкур даврда жамиятдаги табақаларнинг мавқеига эътибор берилса, таълим-тарбия ва олий таълимга эга бўлишда фақатгина аслзодалар оилаларида имконият бўлган. Паст табақа вакиллари эса жамиятнинг ушбу интеллектуал бойлигидан маҳрум бўлган. Шундай бўлса ҳам, саводли амалдорларга эҳтиёж тобора ўсиб боради, шу боис Эронда ўқувчиларнинг ижтимоий таркиби бир оз кенгайди. Натижада олий таълим олишда паст ва ўрта табақалар вакиллари фарзандларининг оз қисмига ҳам йўл очилади. Масалан, Сосонийлар даврида олий ўқув юрти Эроннинг моний тасарруфидаги «Руардашер» номи билан машҳур бўлган илмий-ўқув маркази тиббиёт, астрономия ва фалсафа фанларини ўқитишга ихтисослаштирилган эди. Шунингдек, Мадоин шаҳрида жойлашган ва мантиқ, фалсафа ва астрономия билимларидан сабоқ берган христиан черкови энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган[8]. Лекин эрамининг учинчи асри охиригача фаолият кўрсатган қадимги Эроннинг энг нуфузли ва энг машҳур олий ўқув даргоҳи бўлиб Гундишопур университети ҳисобланган. Бу даргоҳнинг кириш пештахтасида қуйидаги сўзлар ўйилиб ёзилган эди: «Билим ва эзгулик куч ва қиличдан яхшироқ»[9].

Қадимги Эрон халқи таълим ва тарбиянинг давлат бошқарувида муҳим ролини тушунгач, ушбу омил халқ ва давлатнинг интеллектуал ва ижтимоий

ривожланишининг асосига айланди. Қадимги эронликлар ўқитишнинг сифатини тарбиянинг самадорлиги билан боғлашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сиддик Исо. Равиши навин дар омузешу парвариш. – Техрон: нашре Рузбаҳон. 1986. – С.59
2. Замири Мухаммадали. Тарихи омузеш ва парвариши Ирон ва Ислом. – Техрон: нашри Рохгушо, 1373.(1995). – С.20.
3. Бежан Асадулло, Сайри тамаддун ва тарбият дар Ирони бостон. – Техрон: нашри Ибни Сино, 1350. (1972). – С.194-195.
4. Вакилиён Манучехр. Тарихи омузеш ва парвариш дар Ислом ва Ирон. – Техрон: Донишгоҳи паёми нур, 1378. (2000). – С.40.
5. Дьяконов Э.М. Тарихи Мод / таржумаи Карими Кишоварз. – Техрон: интишороти илми ва фарҳанги, 1379. (2001). – С.340.
6. Бежан Асадулло. Сайри тамаддун ва тарбият дар Ирони бостон. – С.124.
7. Насири Алиакбар. Тарихи омузешу парвариши Ирон аз Хахоманишиён то Қочориён. – Техрон: Овои Нур, 1384. (2006). – С.89.
8. Гезенфон. Курушнома / таржумаи Ризо Машоихи. – Техрон: Бунгоҳи таржума ва нашри китоб, 1342. (1964). – С.6.
9. Замири Мухаммадали. Тарихи омузеш ва парвариши Ирон ва Ислом. – Техрон: нашри Рохгушо, 1373.(1995). – С.61.